# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 14 июнь, № 117 (4527) Шанба


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

БИОЛОГИК УСУЛ:

# ИШОНЧЛИ, ФОЙДАЛИ ВА САМАРАЛИ



***Қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунанда ва ҳашаротлардан асрашда биологик усул энг самарали усулга айланмоқда. Сабаби, у экологик жиҳатдан хавфсиз бўлиб, атроф-муҳит, аҳоли соғлиғи учун мутлақо безарар, энг муҳими, арзон ҳамдир. Шу боис мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, тупроқ унумдорлигини янада ошириш борасида олиб борилаётганислоҳотлар доирасида фойдали ҳашаротлар тайёрловчи биолабораторияларни ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда***

**▼ Хизмат**

*Зафаробод туманидаги "Биосервис" масъулияти чекланган жамияти жамоаси жорий йилда 17,5 минг гектар майдондаги экинларга биологик усулда ишлов бермоқда. Натижада 7,5 минг гектар ерда пайдо бўлган зараркунандалар шу усулда бартараф этилиб, сара дон етиштиришга муваффақ бўлинди.*

*Энди улар асосий эътиборни ғўза зараркунандаларига қарши керакли миқдорда фойдали ҳашаротлар тайёрлашга қаратишмоқда. Шу мақсадда Озода Саримсоқова, Бахтигул Мусурмонова (суратда) сингари соҳа билимдонлари ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.*

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

**Кеча қуйи палата қўмиталарида бир қатор ҳуқуқий мажмуаларнинг ижросига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди.**



## БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси тизими корхоналаридаги ижроси масаласи кўриб чиқилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳисоб-китобларни тизимли олиб бориш ва тўлов интизомини мустаҳкамлашга доир ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун ҳамда Молия вазирлигининг "Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари" амалда ишлаб турибди. Уларнинг самарали ижроси бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолиятига ижобий таъсир ўтказиши, табиий. Шу боис, қўмитанинг махсус ишчи гуруҳи томонидан жойларда мазкур масала ижроси ўрганиб чиқилди.

Қатнашчиларни ишчи гуруҳ хулосаси билан депутат Н. Аҳмаджонов таништириб, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси тизимидаги корхоналарда юқорида номи зикр этилган Қонун ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилганлигини қайд этди. Айниқса, истеъмолчилар эҳтиёжини сифатли ва халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар билан қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Муҳокамада "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун нормаларини амалда қўллашдаги ижобий ишлар билан бирга соҳадаги айрим хато ва камчиликлар ҳам рўй-рост айтилди.

Тадбирда сўз олганлар бухгалтерия ҳисобининг тўғри ва белгиланган меъёрларга мос бўлиши, аввало, муассаса фаолиятини янада такомиллаштиришга имконият яратишини таъкидладилар.

Кун тартибидаги масала юзасидан қўмита қарори қабул қилиниб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.

## ҲУНАРЛИНИНГ ЙЎЛИ ОЙДИН

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида "Техникавий ва касб-ҳунар таълими тўғрисида"ги Конвенциянинг Хоразм вилоятидаги ижросига доир масала кўриб чиқилди. Маълумки, Ўзбекистон мазкур Конвенцияга 1997 йилда қўшилган. Ўтган давр мобайнида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш мақсадида қатор қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилингани ва ҳаётга татбиқ этилгани Конвенция ижросини таъминлашдаги муҳим қадамлардан саналади. Бу борада Хоразм вилоятида ҳам муайян тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, вилоятдаги 3 та олий ўқув юрти, 74 та касб-ҳунар коллежи фаолиятида мазкур ҳуқуқий мажмуанинг нормалари ўз рўёбини топди. Қолаверса, таълим муассасалари таркибида катта ёшдагиларни касб-ҳунарга ўргатиш бўйича курслар ташкил этилган. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам бу борада самарали фаолият олиб бораётир. Хусусан, Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази вилоят Бизнес инкубатори билан ҳамкорликда 150 нафардан ошиқ ишсиз аёлларни касбга тайёрлади.

— Аммо қилинаётган ишлар ҳали етарли эмас, — дейди Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ раҳбари Гулистон Аннақиличева. — Вилоят ҳокимлиги ва бошқа мутасадди муассасалар ўртасида бу борада ҳамкорлик қанчалик мустаҳкам бўлса, эришиладиган натижалар шунчалик салмоқли бўлаверади.

Депутатлар мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар билдиришди.

## МАДАНИЙ МЕРОСНИ АСРАБ-АВАЙЛАЙЛИК

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги ва "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Сурхондарё вилоятидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида кўриб чиқди.

Сурхондарё вилоятида жами 363 та маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, улардан 358 таси ёдгорлик, биттаси ансамбль ва 4 таси диққатга сазовор жой

**(Давоми 2-бетда).**

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

### «Элхолдинг» маҳсулотига талаб ортмоқда

Самарқанддаги "Элхолдинг" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида 30 турдаги ўқув-лаборатория жиҳозлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу экспорт ҳажмининг янада ошишига хизмат қилмоқда. Бирлашма маҳсулотлари Россия, Қозоғистон, Озарбойжон, Туркманистон, Украина, Латвия давлатларига жўнатилаётир.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Зарангарида янги коллеж

Ғиждувон туманининг аҳоли зич жойлашган Зарангари қишлоғида янги педагогика коллежи биноси қад ростлаяпти. 420 нафар ўқувчига мўлжалланган ушбу объект қурилиши учун икки миллиард 423 миллион сўм сарфланади. Бу ерда бунёдкорлик ишларини «2-вилоятжамоақурилиш» ҳиссадорлик жамияти жамоаси олиб бормоқда.

Мазкур таълим маскани жорий йилда Бухоро вилоятида қурилиши кўзда тутилган 12 та касб-ҳунар коллежидан биридир.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***Қибрайлик бир гуруҳ отахону онахонлар яқинда Бухоро, Самарқанд ва Қарши сингари қадимий шаҳарларимиз бўйлаб тўрт кунлик саёҳатга чиқдилар.***

### Кўҳна шаҳарларга саёҳат



Шу жараёнда асрларга бўйлашган кўҳна обидаларни, мустақиллик йиллари қад ростлаган замонавий иншоотларни зиёрат қилдилар. Бундан ташқари, ушбу шаҳарларда ўзлари сингари кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва уларни эъзозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Туман ҳокимлиги ва "Нуроний" жамғармаси қарияларга манзур бундай зиёратларни келгусида ҳам ташкил этишни режалаб қўйди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Болаларга ғамхўрлик

***Хоразм Маъмун академиясида «Болалар саломатлигига эътибор — асосий вазифамиз» мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган тиббиёт ходимлари, мутахассислар иштирок этди.***

Семинарда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлатимиз эътиборида эканлиги алоҳида таъкидланди. Зеро, бу борада қабул қилинган фармонлар ва қарорлар ёш авлоднинг саломатлиги ҳамда таълим-тарбиясида муҳим омил бўлаётир. Туғруқни бехатар ўтказиш, соғлом чақалоқлар туғилишини таъминлаш, болалар касаллиги ва нобуд бўлишининг олдини олиш чора-тадбирлари яхши натижалар бермоқда.

Шунингдек, тадбирда вилоятдаги мавжуд экологик шароитда болаларнинг соғлом камол топишлари учун келгусида амалга ошириладиган ишларга эътибор қаратилди.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

***13 июнда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.***

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисини 2008 йил 28-29 июнь кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қатор қонунларни, жумладан, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини киритиш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2007 йил юзасидан ҳисоботлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахбороти ҳақидаги масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда. Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа бир қатор масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Кенгаш Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириб бориш вазифасини Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова зиммасига юклади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.**

## КАРДИОЛОГЛАР КЕНГАШДИЛАР

***Пойтахтимизда ихтисослаштирилган кардиология хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш ва илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш бўйича илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика Ихтисослаштирилган кардиология маркази ва Кардиологлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Ҳамдўстлик давлатлари мутахассислари ҳам иштирок этди.***

Ўзаро мулоқотларда мамлакатимиз тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида шифо масканларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, хизмат кўрсатиш сифати тобора яхшиланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, тиббиётнинг бошқа жабҳаларида бўлганидек, кардиология соҳасида ҳам касалликларнинг олдини олиш, аниқ ташхис қўйиш ва даволашнинг энг илғор усулларидан оқилона фойдаланилмоқда. Айни пайтда юртимизда республика Ихтисослаштирилган кардиология маркази, жойларда 12 та кардиодиспансер, 370 га яқин бўлим ва кардиология хоналари, 1600 га яқин ЭКГ кабинетлари фаолият кўрсатмоқда.

**▼ Тиббиёт**

— Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида рўй бераётган ислоҳотлар тиббиётни ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлаётир, — дейди Москва Тиббиёт академияси профессори В.Сулимов. — Очиғи, мен ўзбек кардиологларининг юрак аритмияси билан оғриган беморларни тиғсиз дарддан халос этишганини эшитиб, қойил қолдим. Бундай мураккаб амалиётни қўллаш шу кунгача жаҳоннинг камдан-кам мамлакатларидагина кузатилаётган эди.

Бугунги кунда кардиологлар томонидан артериал гипертониянинг иқлим шароитимизга хос генетик жиҳатлари ҳамда сабаблари чуқур ўрганилиб, касалликни вақтида бартараф этишда сезиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда яратилаётган имкониятлар, инсон саломатлигини асрашга қаратилган эътибор ва чексиз ғамхўрлик тиббиётчиларимизни ана шундай фидойиликка ундамоқда.

Тадбир давомида, шунингдек, жаҳон тибббиётида қўлланилаётган янги усул ва технологиялар, юрак-қон-томир касалликлари диагностикасига доир маърузалар тингланди.

**Ф. САНАЕВ.**

**Диққат, янги саҳифа:**




4-бетга қаранг.

Бир рақам шарҳи

## ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ КЎПАЙМОҚДА



**2008** йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз бўйича жами **1423,6** минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

**Ўтган даврда бу йўналишда эришилган шундай ютуқлар натижасида шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи янада яхшиланди, унинг ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди.**

***Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг сўнгги сессияси бутунлай бошқача ўтди. Унинг «бошқача»лиги сессия кун тартибига бирваракайига тўққизта масала киритилганлигида эмас, балки уларнинг аксарияти қизғин баҳс-мунозаралар ва ўзини ўзи танқид руҳида муҳокама қилинганлигидадир. Масалан, халқ таълими муассасаларида Ёшлар йили муносабати билан ўтказиладиган тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги масалани олиб қарайлик.***

# ИСТАК ВА ИНТИЛИШЛАР УЙҒУНЛИГИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қошидаги оила, хотин-қизлар ва ёшлар ишлари бўйича доимий комиссиясининг сессия муҳокамасига киритган бу масаласи жуда чуқур ўрганилганлиги туфайли бир қатор камчиликлар ҳам ўртага ташланди. Жумладан, «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш тадбирларида жорий йилда ҳар бир мактаб (вилоятда бундай таълим масканлари мингдан ортиқ) виртуал таълим усулидан фойдаланиши, интернетга уланиш имкониятига эга бўлиши зарурлиги белгиланган эди. Табиийки, режалар анча дадил, замон талаблари даражасидадир. Аммо, айтинг-чи, Чироқчи, Ғузор, Қамаши туманларида ҳар ўнта мактабдан биттасида стационар телефон мавжуд бўлса, бу режани амалга ошириб бўлармиди?

Доимий комиссия раиси, депутат Инобат Каримова ўз чиқишида ушбу масала бўйича бошқа бир далилни келтирди. Мактабларни дарсликлар билан таъминлаш республика бўйича ўртача 90 фоизни ташкил этса, бу кўрсаткич Чироқчи, Касби ва Муборак туманларида 70 фоиздан ошмайди. Мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадалари натижалари бўйича бешта туман вилоятда охирги ўринлардан силжимаяпти. Бу йўналишдаги Давлат дастурини бажариш ҳолатини яхшилаш учун халқ депутатлари вилоят Кенгаши қуйи маҳаллий ҳокимият ва халқ таълими муассасалари билан ҳамкорликни янада кучайтириши керак.

**Маҳаллий кенгашлар ҳаёти**

Сессия кун тартибидаги яна бир долзарб масала — мамлакатимиз Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бажарилишининг боришини кўриб чиқиш депутатларда қизғин мунозара уйғотди. Муҳокама этилаётган мазкур масалага депутатларнинг қизиқиши табиий эди. Негаки, бутун дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлашиб бораётган бир пайтда ташқи омилларнинг ички ишлаб чиқаришга таъсирини камайтириш учун нималар қилиш кераклигини аниқлаш бугуннинг асосий масаласидир.

Йиғилишда таъкидландики, вилоятда 700 мингдан ортиқ қорамол бор. Уларнинг йиллик ўсиши 7-9 фоизни ташкил қилади. Агар бу соҳадаги ишлар оқилона юритилса, паррандачилик, қўйчилик захираларидан ташқари вилоятда ҳар йили юз минг тоннага яқин мол гўшти ишлаб чиқарса бўлади. Аммо бу имкониятдан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Негаки, бугунги кунда мавжуд қорамолларнинг 96 фоизи шахсий секторга тааллуқлидир. Соҳада самарали хўжалик юритиш механизми ҳамиша ҳам оқилона ишлаяпти, деб бўлмайди. Вилоятда ҳар бир соғин сигирдан олинадиган сут беш-олти литрдан ошмаётгани ҳам тасодиф эмас, ахир. Муаммо шундаки, вилоятда наслчилик билан узоқ муддат ҳеч ким шуғулланмаган. Бу борада фақатгина шу йил дастлабки қадамлар қўйилди: Болтиқбўйидан зотдор буқалар келтирила бошланди.

Мазкур масала бўйича сессия тегишли қарор қабул қилди. Унга кўра, чорвачиликни ривожлантириш билан шуғулланувчи ташкилот ва муассасалар эндиликда қорамоллар наслини яхшилашни кучайтиришлари, ветеринар ҳамда зоотехник корхоналар тармоғини яратишлари талаб этилади. Шу мақсадда бу йил ветеринария хизмати кўрсатиш бўйича 240 та пункт очилади. Келажакда бундай пунктлар ҳар бир қишлоқда фаолият кўрсатади. Агар 2006 йилда 3 минг қорамол сунъий қочирилган бўлса, жорий йилнинг беш ойида ушбу кўрсаткич 20 мингга етди. Келажакда мазкур рақамни йилига 120 — 150 мингга етказиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, чорва билан шуғулланувчи ҳар бир фуқаро ўз тураржойига яқин бўлган корхонадан шрот, кунжара, омихта ем сотиб олиши учун имкониятлар яратиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Депутатлар чорвачилик билан шуғулланувчи хонадон соҳибларини ҳар томонлама рағбатлантириб туриш лозимлигини таъкидладилар. Ўтган йили вилоятдаги банклар аҳолига қорамол ва ем сотиб олиши учун 3,6 миллиард сўм кредит ажратганди. Натижада минглаб иш ўринлари яратилди. Шу боис депутатлар банк ходимларига жорий йилда ушбу мақсадда кредитлар ажратишни бир ярим бараварга оширишни тавсия этдилар.

**Аъзам АЛИҚУЛОВ.**

# ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ

***Юртимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш учун барча асослар яратилган. Бу борада қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар, шунингдек, бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли йилдан-йилга тадбиркорлик субъектларининг мамлакат иқтисодиётидаги улуши ортиб, улар соҳада ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда.***

Айтиш жоизки, аслида жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири бу тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир. Шунинг учун ҳам асосий эътибор мавжуд қонунчиликни такомиллаштиришга, тизимни ва бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизларини мустаҳкамлашга қаратилган. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги изчил сиёсат амалда ўзининг ижобий натижаларини бераяпти.

**Ҳуқуқ**

Хусусан, ҳозирги кунга келиб, судларга аввалгидек буйруқ асосида фаолият юритадиган жазоловчи тизим деб эмас, балки ҳар бир инсоннинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳокимият деб қаралмоқда. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар ёки турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб судларга тобора кўпроқ мурожаат этаётгани ҳам шундан далолат бериб турибди.

Фикримизни аниқ мисоллар асосида исботламоқчимиз. 2006 йилнинг 17 июнь куни "Бекзод қурилиш" хусусий корхонаси билан "159-қурилиш тресті"нинг 21-қурилиш бошқармаси ўртасида пудрат шартномаси тузилган. Шунга кўра, хусусий корхона шартномада кўрсатилган ишларни бажариб берган. Аммо иш якунига етгач, қурилиш бошқармаси бажарилган иш учун ҳақни тўлиқ тўламаган. Натижада хусусий корхона бузилган ҳуқуқини тиклашда ёрдам беришини сўраб Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этган. Жорий йилнинг 5 мартида суд ҳал қилув қарорини чиқарди. Унга асосан, қурилиш бошқармаси юридик шахс мақомига эга бўлмагани сабабли, унинг юқори ташкилоти — "159-қурилиш тресті" акциядорлик жамиятидан ҳақдор "Бекзод қурилиш" хусусий корхонасининг фойдасига 853 минг 900 сўм қарз суммаси ҳамда 22 278 сўм бузилган ҳуқуқини тиклаш учун сарфлаган суд харажатлари ундириб берилди.

Кейинги пайтларда ваколатли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳам тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш мақсадида хўжалик судларига даъво аризалари билан мурожаат этмоқдалар. Жумладан, хусусий тадбиркор Т.Валиев 2007 йил 13 мартдаги 5-сонли шартномага, шунингдек, 2007 йил 10 августдаги шартномага қилинган 16-сонли қўшимчага асосан, "Азимбек Капитал" хусусий фирмасига жами 28 275 000 сўмлик товар-моддий бойликларини етказиб берган. Бироқ хусусий фирма товар пулини қисман тўлаш билан чегараланиб, қолган 5 275 000 сўм қарзини тўламай келган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хусусий тадбиркор Т.Валиев манфаатини кўзлаб, хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этган. Суднинг жорий йил 27 мартдаги ҳал қилув қарори билан "Азимбек Капитал" хусусий фирмасидан хусусий тадбиркор Т.Валиевнинг фойдасига асосий қарз суммаси, шунингдек, тўловни кечиктирганлик учун 750 минг сўм пеня ва бузилган ҳуқуқини тиклаш учун сарфлаган 186 300 сўм харажатлари ундириб берилди.

Хулоса тарзида айтишимиз керакки, одамларимизнинг қонунларимизга бўлган ишончи ортмоқда. Шу жумладан, тадбиркорларимиз ҳам ўзларига нисбатан бирор ноҳақлик қилинса, иккиланмай судларга ёрдам сўраб мурожаат этаётганликлари, адолат қарор топишига эришаётганликлари уларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмалари юксалиб бораётганидан далолатдир. Зеро, ислоҳотлар амалда ўзининг ижобий натижаларини бераяпти. Бу эса тараққиётнинг муҳим белгиларидан биридир.

**А. УМАРОВ,**
**Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси.**



# МАДАНИЙ МЕРОСНИ АСРАБ-АВАЙЛАЙЛИК

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

саналади. Мазкур объектларнинг 64 таси республика аҳамиятига эга маданий ёдгорликдир.

Вилоятда ушбу ёдгорликларни асраб-авайлаш, умуман, бу борада ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича талайгина ишлар амалга оширилгани таъкидлаб ўтилди.

Бироқ юқорида номлари қайд этилган қонунларнинг мазмун-моҳиятини яхши тушуниб етмаслик оқибатида маданий мерос объектларига зарар етказилганлиги қайд этилди. Бунда таъмирлаш юмушларининг тиклаш ва реконструкция қилиш қоидаларига зид равишда амалга оширилгани асосий сабаб бўлган. Кадастр баҳолаш ишларининг бор-йўғи 6,3 фоизи маданий мерос объектларида бажарилгани ҳам депутатлар томонидан танқид қилинди. Шу билан бирга, маданий мерос объектларида муҳофаза белгиси ва ҳимоя тегараларини ўрнатиш йўлга қўйилмаган. Ишчи гуруҳнинг аниқлашича, мавжуд 363 та объектдан тўрттасидагина муҳофаза белгиси ўрнатилган, холос. Тарихнинг энг кўҳна давридан дарак берувчи "Далварзинтепа" ёдгорлигида қазиш ишлари натижасида очилган обидалар ҳалигача консервация қилинмаган.

Қўмита аъзолари томонидан мутасадди идораларга мазкур муаммоларни ҳал этиш учун тегишли тавсиялар берилди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

**Жараён**

***Уйчи туманининг Машад қишлоғида яшовчи Аҳмаджон Юсупов чорвага меҳр қўйган.***

***— Сигири бор хонадоннинг шифокорга камдан-кам иши тушади, — дейди у. — Тонгда соғилган сутни ичган одамнинг танаси яйрайди, илиги тўқ бўлади. Мунтазам қатиқ тановул қилганларга эса дард яқинлашмайди.***

# ХОНАДОН ЧОРВАСИ — ХАЗИНА

Қолаверса, яхши сигир ҳар йили бузоқ беради, озгина боқиб, бозорга олиб чиқсангиз, рўзғорнинг бир томонини кўтаради. Мол парваришлаётган киши, энг аввало, унинг наслига, соғлом бўлишига эътибор бериши зарур. Чунки бераётган емхашагингиз мол соғлом бўлсагина юқади, яъни семиради. Кичик ўғлим Раҳимжон ветеринар, ҳар бир қорамолни вақтида эмлашни ёддан чиқармайди.

Хонадонда чорвани фаровонликнинг асосий манбаларидан бирига айлантиришган. Ҳовли этагида ҳафсала билан қурилган оғилда бир бош говмиш, тўрт бош новвос бор. Унинг ёнидаги қўрада эса ўнга яқин қўй. Боқишда оиланинг каттаю кичиги бирдай ҳаракат қилади. Бу юмуш болалар учун гўё меҳнат машқи — фойдали ишга ўрганишади, табиат билан яқинлашишади.

Оилавий бизнес-да, бўрдоқиларнинг семирганини бозорга чиқариб, ўрнини кичикроғи билан тўлдиришади. Мана, ўтган ҳафта биттасини бир миллион 400 минг сўмга сотишди, 500 килога яқин тош босди. Икки ўғил, уч қизни уйлаб-жойлаш, иморатлар қуришда ҳам чорвадан топилган барака қўл келди.

Суҳбатимиз чоғида Аҳмаджон ака Юртбошимизнинг шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қароридан жуда мамнун бўлганини алоҳида таъкидлади.

— Ушбу қарор бизга ўхшаганларга жуда катта имкониятлар яратди, — деди у. — Омихта ем, шелуха, кепак ва бошқа озуқаларни сотиш бўйича ихтисослаштирилган пунктлар ташкил этилиши айни муддао бўлди. Аввалари озуқани юқори нархларда сотиб олаётгандик. Энди бу иш тартибга тушиши, демакки, чорва ривожи билан боғлиқ бошқа долзарб юмушларнинг ҳам рўёбга чиқишидан умидимиз катта.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚУРИЛИШ СИФАТИ НАЗОРАТДА

***Юртимизни улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Қаерга қараманг, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётганига гувоҳ бўласиз. Хусусан, вилоят ва туман марказларидан тортиб, энг чекка қишлоқларгача савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мактаблар, лицейлар барпо этилаяпти, мавжудлари капитал таъмирланиб, қайта реконструкция қилинаяпти.***



**Мустақиллик иншоотлари**



*Мазкур иншоотлар қурилишида сифат назоратига алоҳида эътибор қаратилаётир.*

*Наманган вилоятида таълим объектлари қурилишида амалдаги сифат назорати тизимини мувофиқлаштириш юзасидан салмоқли ишлар бажарилмоқда. Ҳар бир бунёдкорлик ишида мутахассислар йўл-йўриғи, таклиф ва тавсиясига таянилаяпти. Масалан, Наманган шаҳрида 825 ўринли Ижтимоий иқтисодий педагогика касб-ҳунар коллежи биноси республика Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси кўмагида барпо этилмоқда. Ушбу таълим муассасаси қурилишини Наманган темир-бетон буюмлар заводи ўз зиммасига олган бўлиб, бунёдкорлик ишларида 95 нафар қурувчи меҳнат қилмоқда. Улар янги билим даргоҳини Мустақиллигимизнинг 17 йиллигига байрам туҳфаси сифатида топширмоқчилар.*

**СУРАТЛАРДА:** коллеж қурилишидан лавҳалар.

**Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# САУДИЯ ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида Саудия Арабистони халқ амалий санъати кўргазмаси очилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Маданият ва ахборот вазирлиги ҳамда Халқаро маданий алоқалар агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳалар сингари маданият жабҳасида ҳам ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— Халқларимизни нафақат тарихий дўстлик, балки ўхшаш маданий қадриятлар, бир-бирига ҳамоҳанг анъана ва урф-одатлар ҳам яқинлаштириб туради, — деди Саудия Арабистони Подшоҳлиги маданият ва ахборот вазири Ияд Маданий. — Бундай тадбирлар мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада ривожланишида ва халқларимиз ўртасидаги дўстона ришталарни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.

Кўргазмага ташриф буюрганлар Саудия Арабистони ижодкорлари томонидан яратилган тасвирий ва амалий санъат намуналари, фотосуратлар ва ҳунармандлик буюмлари билан танишдилар.

Саудия Арабистони халқ амалий санъати кўргазмаси Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларида ҳам намойиш этилди.

**(ЎзА).**

***Шу йил март ойида бўлиб ўтган Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида давлатимиз раҳбари корхоналарни чуқур модернизация қилиш учун, биринчи навбатда, чет эл инвестицияларини, замонавий технологияларни вилоятга олиб келиш зарурлиги, айрим туманларда эса хорижий инвестициялар мутлақо жалб қилинмагани, чет эл капитали иштирокидаги қўшма корхоналар умуман ташкил этилмагани ҳақида куйиниб гапирганидан хабардорсиз, албатта.***

# ИНВЕСТИЦИЯНИНГ ЎЗИ КЕЛМАЙДИ

Бундай долзарб вазифаларни бажариш ишига панжа орасидан қараётган туманлар қаторида Сўх ва Ёзёвон ҳам бор. Бу туманлар аслида вилоят иқтисодий-ижтимоий ҳаётида ўзига хос ўринга эга. Масалан, Сўх тоғлар орасида жойлашган. Ушбу ҳудудда ер ости ва ер усти бойликлари бисёр, аниқроғи, Менделеев жадвалидаги барча элементлар мавжуд. Исми жисмига мос Чашма қишлоғида эса ноёб булоқ суви оқиб туради.

Мутахассислар ана шу минерал элементларга бой булоқ сувини Кавказнинг машҳур «Нарзан» сувига қиёслашади. Шу боис, бир неча йилдирки, Чашманинг шифобахш сувини қадоқлаб, мамлакатимиз ичкарисига, қўшни республикаларга етказиб бериш масаласи кўтарилади, режалар тузилиб, дастурларга киритилади. Лекин ҳаммаси қоғозда қолиб кетаверади. Тўғри, қишлоқда «Сўх-Чашма» фирмаси ишлаб турибди. Бироқ унинг алмисоқдан қолган ускуналари ёрдамида, нари борса, 400-500 литр сув шиша идишларга қадоқланяпти. Бу ҳатто туман аҳолисининг эҳтиёжини ҳам қопламайди. Нима учун шундай тайёр имкониятдан фойдаланиб, булоқ сувини замонавий технологиялар асосида қадоқлайдиган мини корхона қуриш мумкин эмас?

**Таҳлил**

Сўхнинг ширин-шакар мевалари, сархил сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳам нафақат водийда, балки Марказий Осиёда ҳам экологик тоза дала ва боғ неъматлари ҳисобланади. Афсуски, туманда йилига 500 тонна атрофида мева, 1200 тонна сабзавот етиштирилса-да, уларнинг бор-йўғи 80-100 тоннаси қайта ишланяпти.

Сўх, шунингдек, картошка етказиб берувчи туманлардан ҳисобланади. Яъни, вилоят миқёсида етиштириладиган ушбу маҳсулотнинг тўртдан уч қисми — 15 минг тоннаси шу заминда етиштирилади. Аммо «Иккинчи нон» деб аталмиш мазкур неъматнинг бир килограмми ҳам қайта ишланиб, қадоқланмайди. Устига устак, узоқ йиллар давомида 50 минг аҳоли истиқомат қиладиган туманда бирорта ҳам иссиқхона барпо этилмади. Яқиндагина «Ҳазратилло» ва «Қишнинг хуштаъм меваси» деб номланган хусусий фирмаларда бу иш йўлга қўйилди.

Сўхнинг яна бир бойлиги — бу тоғлар бағридаги маъданлар. Қурилиш индустриясининг муҳим хом ашёси — гипс шулардан биридир.

Мутахассисларнинг айтишича, Сўхда топилган гипс манбаларини 100 йилгача қайта ишласа ҳам тугамайди. «Сурати тоғ» этакларидаги мармар эса ҳар қандай замонавий иншоот ва бинога безак бўлади. Бу хом ашёлар қайта ишловчиларни кутиб ётибди. Уларни ишга солиш учун фақат сармоядорлар, ишбилармонлар, тадбиркорларни жалб этиш, уларни қизиқтириш талаб этилади, холос.

Ёки бўлмаса, Ёзёвон туманини олиб кўрайлик. Уни ҳақли равишда «Фарғона водийсининг бош чорраҳаси», дейиш мумкин. Негаки, Андижонни Қўқон, Фарғонани Наманган билан боғлайдиган магистраль йўллар айнан шу ҳудудда туташади. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, Ёзёвон қишлоқлари замонавий технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар барпо этиш, коммуникация, хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларини жадал ривожлантириш учун қулай масканлардан ҳисобланади. Бу қулай шарт-шароит ва имкониятлар ҳам эътибордан четда қолаётгани, ҳатто ишлаб чиқилган дастурлар ҳам, лойиҳалар ҳам амалга оширилмаётгани ачинарлидир. Бир мисол. «Камол» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси бир миллиард 450 миллион сўмлик тўқимачилик корхонаси барпо этиш лойиҳасини тайёрлаган эди. Бу маблағнинг 930 миллион сўмини хорижий инвестор, 530 миллион сўмини эса корхона ҳисобидан қоплаш кўзда тутилганди. Лекин хорижий инвестор ким? Бу масалага ҳалигача ойдинлик киритилмаган.

Худди шундай имкониятлар туманда фаолият кўрсатаётган «Фер Коттин», «Ферузахон Файз Барака», «Камол экспресс сервис» корхоналарида ҳам мавжуд. Таассуфки, уларни бирлаштирадиган, бошини қовуштирадиган ташкилотнинг ўзи топилмаяпти.

Бу борада, аввало, юрт катта ишонч билдирган туман раҳбарлари, бу ишга мутасадди ташкилотлар етакчиларида иштиёқ, ташаббус ва ҳаракат бўлиши лозим эмасми?

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кеча ўқувчи эди, бугун — мураббий

Санжар Йўлдошев укувли йигит чиқди — Шўрчи қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг электрлаштириш ва автоматлаштириш гуруҳида таҳсил олиб, асосий касбига қўшимча равишда 20 хил маиший электр ускуна — ашёларни таъмирлашни ҳам обдон ўзлаштирди.

**Яхши хабар**

Бугун маҳалладошлари дазмол, чангютгич, сув қайнатгич каби асбобларни таъмирлаш учун узоққа бормайдилар. Ёш уста Санжарнинг ўз уйида очиб олган устахонасига элтиб, ҳожатларини чиқазадилар.

Санжарнинг қишлоқдош ёшларга ўз касбини ўргатаётгани, уларга мураббийлик қилаётгани янада ибратлидир.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



***Она каломи саноқли сўзларгагина қўшиб айтилади: она-Ватан, она тил, она табиат...***

***Бежиз "Она табиат" демаймиз. Бола она бағрида ўсиб-улғайгани сингари, инсоният тараққиёти ҳам теварак-атрофимизни ўраб турган мана шу борлиқда кечади. Шу боис, ҳар доим унга онага кўрсатилгандек муносабатда бўлиш талаб этилади.***

***Мамлакатимизда атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, унинг неъматлари, ер ости ва усти бойликларидан самарали фойдаланиш қонун билан кафолатланган. Айниқса, мустақиллик йилларида шу мақсадда кўплаб қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси таъминланмоқда. Айтинг, бундай юртнинг тупроғини кўзга тўтиё қилмай, табиатини севмай бўладими? Ерга чўп суқсанг, дарахт битади. 4,5 минг турдаги ёввойи ўсимликларнинг бари — доривор гиёҳ. Уларнинг 400 хили фақат бизнинг ўлкада ўсиши ҳам шундан далолатдир. Шунингдек, Бухоро буғуси, Қизилқум архари, Туркистон силовсини, морхўр каби ўнлаб жониворларни ҳам фақат мамлакатимиз табиати қўйнида учратиш мумкин.***

***Янги саҳифанинг асл мақсади — "жаннатмонанд" дея таърифланадиган ўлкамиз табиати, унинг ҳайвонот ва наботот олами, шунингдек, дунёнинг сўлим масканлари билан газетхонларни кенгроқ таништириш, унинг мўъжизаларидан баҳраманд этишдир. Табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни кенгроқ ёритиш, табиат ошуфтларининг ибратли ишларидан воқиф қилиб боришни дилга тукканмиз. Демак, сизни ҳам ҳамкорликка чорлаймиз. Зотан, кўчат экиб, боғ яратиш, она табиатимизни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг фарзандлик, фуқаролик бурчимиздир.***



# АЛПОМИШНИНГ УЙИНИ КЎРГАНМИСИЗ?

**Сурхондарёда, Бойсун-Қўнғирот элида Алпомишнинг... уйи бор.**

**Бир баҳаво. Саранжом-сариштали. Шифтлари баланд, деворлари дарахтдан. Ҳа, ёғочдан эмас, дарахтдан.**

**Ёғ тушса ялагудек уйга каштали гилам тўшалган. Гилам четларида рўзғор анжомлари: қумғон, толдан ясалган лаган, ёғоч қошиқ, тузхалта... Яна олача матодан тикилган кийим-бошлари, чакмони, «Бойчибор» тулпорининг эгар-жабдуғи.**

**Пойгак томонда эса Алпомишнинг жанг-жадалларда кийган пошнаси баланд, учи гажак қилиб қайтарилган, пишиқ чармдан тикилган этиги. «Ҳозиргина у узоқ ва машаққатли қалмоқ сафаридан қайтган-у, этигини ечиб, бедовига арпа бергани чиққанми?» деб ўйлайсиз.**

Энди бу уйнинг аниқ манзилини сўрайдиган бўлсангиз, айтамиз: минг йилдан буён ям-яшил бўлиб яшнаб турадиган ана шу уй — Сайробнинг чўнг бобо чинори. Аниқроғи, чинор танасининг коваги.

Ушбу азим дарахт миллионлаб сайёҳ ва йўловчиларнинг нигоҳини тортган, десак хато бўлмас. Чунки бир йил аввал ҳам Сурхон томонларга йўл Сайроб қишлоғининг ўртасидан, биз айтган чинорнинг соясидан ўтар эди. Бугун мавриди келибдими, табиатнинг бу мўъжизаси ҳақида кўплар билган ва билмаган айрим маълумотларни келтириб ўтамиз.

Чинор санг-заминдан ўсиб чиққан. Танасининг ташқи айланмаси 5 қулочдан зиёдроқ. Ичкариси — ковагининг сатҳи 16 квадрат метр. Шохшаббоси осмон билан туташиб кетгандай...

▼ Мўъжиза

Тарихда Дарбанднинг Темир дарвозаси (уни «Искандар девори» деб ҳам аташади) Буюк Ипак йўлининг ягона йўлаги бўлганини эътиборга олиб, айтиш мумкинки, Сайроб чинори оддий одамлардан тортиб, азиз авлиёлар, шоҳу ҳоқонлар, шоиру донишмандлар учун қўналға вазифасини ўтаган. Эҳтимол, Соҳибқирон Амир Темур Балх сари қилган ҳарб юришларида шу чинор соясидаги тош супада ҳордиқ чиқаргандир? Бойсунлик таниқли драматург Холиқ Хурсандовнинг айтишича, Низомий Ганжавий «Фарҳод ва Ширин» достонининг хамиртурушини шу қишлоқда эшитган ҳикояту ривоятлар билан пишитган. Навқирон Алишер Навоий Ҳиротдан Самарқандга боришдами ё Самарқанддан ўз шаҳрига қайтишдами, «Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадир»ни Сайроб булоғининг сувидан тайёрланган сиёҳ билан битган бўлса, не ажаб?

— Ҳазрати Машраб Сайробнинг чиноридан тўртта чўпни олиб келиб, Бойсун қишлоғининг ўртасига қадагани ва бу чор чинор бутун улусга соя бериб тургани ҳақидаги гапларни мен уйдирма ё афсона деб билмайман, — дейди Холиқ ака.

Ҳозирда Алпомишнинг уйи эшигини (сайробликлар уни «Алпомиш музейи» деб ҳам аташади) очиб-ёпиб турган Алибек Усмонов, саксон беш яшар Темир момо Жабборова, тўқсон бир яшар Ҳасан бобо Қурбоновнинг гурунглари ҳам янада қизиқарли. Улар 1925 йилдан кейин чинор қизил армия отлиқ гарнизонининг кутубхонаси бўлганини, сўнг бу ерда 16 ўринли мактаб ишлаганини, иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтга кўмаклашувни мувофиқлаштириб турган штаб фаолият кўрсатганини бутун тафсилотлари билан гапириб беришади.

— Ҳаммасидан ҳам кўра, чинорнинг «Алпомишнинг уйи» деб номлангани кўнгилдаги гап бўлди, — дейди Ҳасан бобо. — Мустақиллигимиз шарофати боис Алпомиш ўз ошиёнини топди. Юртига, қалбларимизга қайтди. Алпомиш биз билан яшамоқда. Алпомиш — бизга маҳалладош.

Дарвоқе, «Чинор Алпомишга қўналға бўлган» деган гапда мантиқ бордек. Билағонларнинг фикрича, у минг ёшга яқинлашаяпти. Демакки, Алпомишнинг замонидан ўса бошлаган. Эҳтимол, уни ё Алпомишнинг ўзи, ё Ойбарчин, ё Ёдгор ўтқазгандир?

Яна бир гап. Чинор ёлғиз эмас, унинг умрбоқий ҳамроҳи, йўлдоши бор. Иккинчи чинорнинг ичкарисини сайробликлар «Ойбарчиннинг уйи» деб биладилар. Униям Барчинойга хос нозик дид билан жиҳозлаб қўйишган улар.

Тарихимизнинг, қадриятларимизнинг ўзига хос йилномасига айланган бу дарахтларнинг жуфт бўлиб, бир-бирига суянчу қувват бўлиб ўсаётгани уларнинг яна неча минг йиллар давомида яшнаб-гуркирашидан далолат беради.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Бирор хасталикка чалинган кишига шифокорлар кўп ҳолларда табиат қўйнида дам олиш ёхуд унинг манзараларидан баҳраманд бўлиб, тоза ҳавода сайр этишни тавсия қилишади.***

# ДАРАХТЛАРДАН ТАРАЛГАН ШИФО

Қўшнимиз Сабоҳат холадан қиёс: уни гоҳ гуллар орасида, гоҳ боғдаги ям-яшил дов-дарахтлар атрофида учратаман. Юраги бироз безовта қилиб туришига қарамай, кўриниши тетик ва бақувват. Яқинда қўшним ўзи даволаниб чиққан касалхона ходимларининг ширинсуханлигидан мамнун бўлиб гапираркан, айниқса, у ернинг табиати баҳаво, манзараси эса гўзаллигини мақтаб қолди. Шу туртки бўлди-ю, Юнусобод туманидаги 17-шаҳар клиник шифохонасидаги шарт-шароитни бориб кўриш истаги туғилди.

▼ Тажриба

Дарвозадан кирарканмиз, атрофдаги дов-дарахтлар, бир-бирига монанд бўй чўзган арчалару очилиб ётган турфа гуллар эътиборимизни тортди. Ҳудудда батартиб бунёд этилган гулзорлар четида бўлимлар номи ва мавжуд кўчатлар сони ёзилган кичик тахталарга кўзимиз тушди. Англадикки, масканда экологик тоза муҳитни юзага келтириш борасида қатъий тартиб ўрнатилган.

Эътиборлиси, 450 нафар врач ва ҳамшира фаолият юритадиган ушбу клиникада бемор муолажалари рўйхатига ҳар куни шифохона ҳовлисидаги боғда сайр қилиш, албатта, киритилади.

Касалхона ҳудудини ободонлаштириш мақсадида 120 метр чуқурликдан артезиан суви қазиб чиқарилиб, 3 гектар майдонда боғ яратилган.

— Кейинги йилларда беморлар учун фойдали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазишга катта эътибор қаратяпмиз, — дейди шифохона бош врачи Баҳром Шохизиров. — Каштан, акация ва арча ана шундай дарахтлар сирасига киради. Уларнинг барглари кислородни меъёрида етиштириб, ҳавонинг тоза ва салқинлигини таъминлабгина қолмай, киши руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Масканда йилига уч ярим минг тупдан зиёд турли дарахт ва гул кўчатлари экиладики, нафақат ҳовлида, балки хона деразасидан мусаффо ва хушбўй ифор димоққа урилади. Буни жорий йилнинг ўтган даврида бу ерда жарроҳлик, терапия, жонлантириш, неврология ва кардиология бўлимларида даволаниб, дардига шифо топган 6,5 мингга яқин киши эътироф этган.

— Одамлар кўпинча тез асабийлашишдан ва толиқишдан шикоят қилишади, — дейди неврология бўлими мудираси Инна Ким. — Шифохонадаги муолажалар, қабул қилинаётган дори-дармонлар фойда беради, албатта. Бироқ ўз ўрнида гўзал боғлар, сўлим чаманзор ва мусаффо табиатдан завқланиш қон айланишини меъёрида сақлаб, ҳар қандай асабийлашишдан халос этади, қолаверса, киши дарддан тезда фориғ бўлишини таъминлайди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА.**



"Қизил китоб" даврий нашри ҳар беш йилда янгиланиб турилади. Негаки, бу даврда ушбу китобга киритилган турларнинг мақоми ўзгариши, аниқроғи, олиб борилган муҳофаза чоралари туфайли баъзиларининг сони тикланиши, аксинча, камайиши мумкин. Бу Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ходимлари томонидан олиб бориладиган мониторингларда маълум бўлади.

# «ҚИЗИЛ КИТОБ» НИМА ДЕГАНИ?

2006-2007 йиллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Зоология институти олимлари билан ҳамкорликда "Ҳисор" давлат қўриқхонасида ҳайвонот дунёси ўрганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, сўнгги 10 йил мобайнида "Қизил китоб"га киритилган илвирс (тоғ қоплони)лар бош сони 20 бошга, айиқлар 158 бошга, силовсинлар эса 121 бошга кўпайган. Бундай ижобий ҳолат Жиззах вилоятининг "Айдар-Арнасой" кўллар тизимида ҳам кузатилди. Бу ерда "Қизил китоб"га киритилган ноёб қушлар, хусусан, кичик қоравой, катта қоравойларнинг бош сони кескин ортган. Шу сабабли, "Қизил китоб"ни юритиш Идоралараро комиссиясига кичик қоравойни махсус муҳофаза қилинадиган ҳайвонлар рўйхатидан чиқариш таклифи киритилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилган муҳофаза ишлари натижасида сақоқуш, оққуш, Туркистон оқ лайлаги, Зарафшон қирғовули бош сонлари анча кўпайди. Бироқ Устюртда сайғоқлар бош сони камайиб бораётгани ачинарли ҳолдир. Уни "Қизил китоб"га киритиш бўйича таклиф берилди.

▼ Биласизми?

Айтиш жоизки, мамлакатимизнинг барча минтақаларида ноёблашиб бораётган қуш турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мисол учун, Навоий ва Бухоро вилоятларида "Халқаро Қизил китоб"га киритилган тувалоқ қушини кўпайтириш учун парваришхона қуриб ишга туширилди. Қўмитага қарашли "Сайҳун" хўжалигида ёввойи ўрдак ва ғозлар сунъий равишда парваришланиб, йилига ўртача 250-300 боши очиқ табиатга қўйиб юборилмоқда. Кўрилаётган бундай саъй-ҳаракатлар туфайли юртимизнинг мусаффо осмонини қушларнинг чуғур-чуғури тўлдирмоқда.

**Ислом ХУШВАҚТОВ.**





# ОНА жоним – ТАБИАТ

***Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги 552-таълим муассасаси мутахассислари болажонларни покизаликка, она табиатга меҳр ила муносабатда бўлишга ўргатишаётир: бунда ноанъанавий усуллардан кенг фойдаланишмоқда. Масалан, болалар "Яшил патрул" гуруҳи аъзоси сифатида ҳар ҳафтада навбатма-навбат тозалик, сариштালик, кўкаламзорлаштириш тадбирларига масъул этиб тайинланади. Бу икки яшардан олти ёшгача бўлган 300 нафардан зиёд ўғил-қизнинг маънавий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмоқда.***

# «ЯШИЛ ПАТРУЛ»ЛАР ҲАРАКАТДА

— Ҳовлимизни обод қилиш, гулзорларга айлантириш ҳар биримизнинг бурчимиздир, — дейди боғча мудираси Гавҳар Қосимова. — Ҳудудимиз бир неча майдончага бўлинган: "Келажак хиёбони", "Маънавий саводхонлик майдончаси", "Гулбоғ"... "Келажак хиёбони"ни олиб кўрайлик. Бу ерда ҳар бир боланинг биттадан дарахти ва гул кўчати парваришланади. Болажонларимизнинг очиқ ҳаво, бетакрор табиат қўйнида маънавий дунёқарашини оширишга қаратилган машғулотларда эса "Маънавий саводхонлик майдончаси" асқотмоқда. Мазкур майдончада манзарали дарахтлар, турфа гуллару ўсимликларнинг бари шу жажжиларнинг саъй-ҳаракатлари сабаб яшнаб-гуркираб турибди. Негаки, тарбияланувчиларимиз ҳар куни дарахтлар тагини юмшатиш, ўсимликларни бегона ўтлардан тозалаш, гулларни парваришлаш билан машғул бўлишади.



▼ Ташаббус

Таълим муассасасида яна бир ажойиб анъана бор. Тарбиячи логопед мутахассис ҳамкорлигида мунтазам очиқ дарс машғулотлари ўтказиб боради. Янгича педагогик технология ва усуллар ёрдамида болаларнинг ижодий салоҳиятини шакллантиришга қаратилган ушбу машғулотлар тумандаги бошқа мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларида ҳам қизиқиш уйғотаяпти. Мутахассислар боғчадаги бундай малака ошириш дарсларида тез-тез иштирок этиб туришади.

Навбатдаги очиқ машғулотни жонкуяр тарбиячилар Нафиса Саидхўжаева ҳамда Нодира Ғозиевалар олиб бораётганига гувоҳ бўлдик. Улар "Она табиат" номли машғулот соати асносида қўллаган усуллари аҳамиятини қуйидагича изоҳлашди:

— Фикримизча, болаларда табиат ва атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш, энг аввало, улар қалбида эзгулик ва яратувчанликка бўлган интилиш ҳиссини кучайтиришга хизмат қилади. Масалан, дарс мобайнида бола деворга осиб қўйилган қоғоздаги турли шакллардан фойдаланиб, табиат манзарасини тасвирлайди. Сўнг бу манзара қандай маънони ифодалашини изоҳлайди. Машғулотда она юрт, табиат, болалик, гўзаллик мавзуларида суратлар чизилади. Болалар куй-қўшиқ хиргойиси, шеър мутолааси билан шуғулланишади, табиат неъматлари — дарахт япроғи, мош, ловия, қалампир, ошқовоқ сингари турли дон-дун ва сабзавот маҳсулотларидан шакллар ясашади. Кичик труппалар ўз интермедияларини саҳналаштириб, қувноқ эксклюзив ўйинларда иштирок этишади.

**Муборак ОХУНОВА.**

# ЖАЙРОНЛАР ҲАМ ЙИҒЛАЙДИ



***"Жайрон" экомаркази, номидан ҳам маълумки, жайронларни асраш ва кўпайтиришга ихтисослашган дунёдаги ягона марказдир. У ташкил топганидан буён ўтган 31 йил давомида 900 та жайрон кўпайтирилиб, очиқ табиатга чиқариб юборилди. 220 дан зиёди эса турли миллий боғларга жўнатилди, табиатсевар кишиларга берилди.***

— Масканимизда ноёб жонивор саналган жайронни кўпайтириш, уни илмий жиҳатдан ўрганиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган, — дейди Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида жойлашган мазкур экомарказ директори Эркин Йўлдошев. — 5145 гектар саҳнга эга чўл ҳудудининг атрофи симтўр билан ўраб олинган. Бундан ташқари, 18300 гектардан иборат очиқ тажриба участкамиз бор.

Марказда айни дамда 600 га яқин жайрон парваришланаяпти. Жониворлар бепоён кенгликларда хавф-хатардан холи яшашаяпти. Марказ ходимлари уларни вақтида озиқлантириш, қаровсиз қолдирмаслик пайидан бўлмоқдалар. Гап шундаки, бу жониворларни парваришлаш — жуда масъулиятли иш. Исми-жисмига мос-да. Табиатан гўзал, жозибадор жайронларнинг кўнгли ҳам одам боласиники каби нозик. Эҳтиёткорлик билан муомала қилмасангиз, сиздан "ранжиб" қолиши ҳеч гап эмас. Бу ерда кўп йиллардан буён ишлаётганларнинг айтишларича, жайрон ҳам одам боласидек йиғлармиш...

▼ Жараён

— Боласи нобуд бўлганида жайроннинг унсиз йиғлаганини кўрганман, — дейди экомарказ ходими Қўлдош Нарзиев. — Кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш қалқиганига гувоҳман.

Экомарказ жамоаси катта тажрибага эга. Шу боис бу ерда дунёнинг турли чеккаларидан келиб, марказ билан ҳамкорлик қилаётган олиму тадқиқотчиларни тез-тез учратасиз.

— Республикамиздаги кўплаб олий ўқув юртлари билан амалий ҳамкорлик ўрнатганмиз, — дейди Э. Йўлдошев. — ЎзМУ, СамДУ, БухДУ шулар жумласидандир. Бўлғуси биолог ва эколог талабалар амалиётни бизда ўташади. Марказимизда Франция ва Россия олимлари тадқиқот ишларини олиб боришаяпти. Германия, Россия ва мамлакатимиз илмий муассасалари ҳамкорликда жайрон морфологиясини, овозини ўрганиш устида изланиш олиб боришаяпти. Шунингдек, жайрондаги генетик ўзгаришлар ҳам ўрганилмоқда.

...Экомарказ яйловларини кўздан кечираётиб, бир тўда жайронларга кўзимиз тушди. Улар сув ичиш учун мўъжаз кўл сари ошиқишар, биздан зиғирча ҳам ҳайиқишмас эди. Дарвоқе, нега ҳам ҳайиқишсин? Ахир, жайрон ҳам, инсон ҳам — она табиатнинг ажралмас бир бўлаги. Қўлдош Нарзиев айтганидек, жайроннинг кўнгли ҳам худди бизу сизники каби нозик.

Кўнгиллар дарз кетмасин!

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ЗАМИН ГУЛЧАМБАРИ»

Австралия энг кичик қитъа бўлса-да, ниҳоятда кўркам табиати ва ҳайвонот оламига эга. "Қизил китоб"га киритилган жониворлар ва ўсимликлар бу ўлкада сероблигини кузатиш мумкин. Шунингдек, тропик ўрмонлар, ўзлаштирилмаган ерлар ҳамда хушманзара тоғлар табиат инъом этган ҳолида сақланганки, бу кишида чексиз таассурот уйғотади.

Айтайлик, заминимизнинг ҳеч бир ерида учрамайдиган сутэмизувчиларнинг еттита ва қушларнинг тўртта оиласи фақатгина ушбу диёрда мавжуд. Дунёдаги жамики қушларнинг 70 фоизи, судралиб юрувчиларнинг 88 фоизи ва бақаларнинг 94 фоизи ҳам Австралия чекига тўғри келади. Кенгуруларнинг эса 50 га яқин тури яшайди.

Австралия камёб қушлари билан ҳам машҳурдир. Караузарлар фақат Австралия осмонида қанот қоқишади. Уларнинг қанотлари йирик ва кўзлари ниҳоятда ўткир. Шу туфайли бирор-бир ўлжа уларнинг қутқусидан қочиб қутулолмайди. Қушларнинг кайфиятида эврилиш ҳосил бўлганида одамларга ҳам ташланиб қолишади. Уларнинг вазни 60 килограммгача етади. Бу жиҳатдан Африка страусларидан иккинчи ўринда туради. Қора оққуш эса Ғарбий Австралиянинг рамзига айланиб қолган.

▼ Харита

Минтақада яшил ўсимликларнинг турлари ҳам кўп. Шимоли-шарқий қисми тропик ўрмонлар ва турли-туман дарахтлар билан қуршалган. Пальма, қирққулоқ дуб, шунг дарахти, қайин шулар жумласига киради. Шимолий соҳилда мангра чангалзорлари ястаниб ётибди. Унда 3 метрдан узун денгиз илонларини учратиш мумкин. Мана шундай чангалзорларда акациянинг 500 тури ўсади. Олтин акация дарахтининг гули эса Австралиянинг давлат гербида ўз аксини топган. Шундан англаса бўладики, Австралия ҳукумати табиатнинг биринчи ҳимоячисидир.

Асосий дарёлар қитъанинг шарқий қисмидан оқиб ўтади. Энг йирик дарёси – Муррей. У, Дарлинг ирмоғи билан ҳисоблаганда, 5300 километрга чўзилган. Дарёда хилма-хил балиқлар ва медузалар бисёр.

Австралия – ана шундай такрорланмас табиати, флора ва фаунаси билан хорижий сайёҳларни мафтун этиб келаётган ўлка. Бу қитъага йилига юз минглаб табиат шайдолари ташриф буюриб, "замин гулчамбари"ни кўришга ошиқади. Улар асосан минг йиллардан бери тароватини йўқотмай келаётган Эвкалипт ўрмонлари, Сидней аквариуми ва ундаги қора, риф акулалари, денгиз ариларини томоша қилиб, олам-олам завқ олишади.

**Хония АСИЛБЕКОВА.**



Наботот олами

# МОЙЧЕЧАК

Юртимиз — доривор гиёҳларга кон. Мойчечак — шулардан бири. Халқ табобатида қадимдан қўлланилиб келинадиган ушбу ўсимликдан замонавий тиббиётда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, ундан ўн беш хилга яқин дори-дармонлар тайёрланаяпти.

Мойчечак табиий ҳолда ўлкамизнинг пасттекислик ва тоғ ёнбағирларида ўсади. Унинг шифобахш хусусиятлари ҳисобга олиниб, бугунги кунда маданий ҳолда етиштирилмоқда.

Мойчечак гули дамламаси ўн икки бармоқли ичак яллиғланиши, ичаклар шамоллашининг олдини олади, қурумлардан тозалайди. Замонавий тиббиёт амалиётида ушбу дамламадан гинекологик касалликларни даволашда ҳам ишлатилаяпти.

Ҳар куни тонгда мойчечак дамламасидан томоқни ғар-ғара қилиш, оғиз чайиш мақсадга мувофиқдир. У чой сифатида ичилса, тиш милкларини соғлом сақлашга, ични юмшатишга ёрдам беради.

Дамламани совун ёки шампун ўрнида ҳам ишлатиш мумкин. Негаки, у соч толаларини майин ва ёқимли қилади, оқаришининг олдини олади.

**Учқун ИДРИСХЎЖАЕВ,**
**Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг «Шифобахш» ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассиси.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6 7